



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎРНИ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ўқув-услубий
бошқарма ўқитувчи-методисти, майор

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2024

Accepted: 04th June 2024

Online: 05th June 2024

KEY WORDS

Ҳамкорлик,
ҳуқуқбузарлик
профилактикасидаги
ҳамкорлик, соҳавий
хизматлар, ички
идоравий ҳамкорлик,
идоралараро ҳамкорлик,
жамоатчилик билан
ҳамкорлик, халқаро
ҳамкорлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан ҳамкорликни ташкил этиш тушунчаси, асосий хусусиятлари, ҳозирги кунда профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги, профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Профилактика инспекторлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади.

Профилактика инспекторларининг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари кўрилатганда, аввало ўрганилаётган объектда ўзаро ҳамкорлик тушунчасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳамкорлик—бу қонун ва қонун ости актларда асосланган, вазифалар, йўналишлар ва вақтлар билан келишилган, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликлар шу жумладан жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан ҳамкорликда фойдаланиш тушунилади¹.

¹ Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. М. 1990., С.-38.

Ҳуқуқбузарлик профилактикасидаги ҳамкорлик – бу маъмурий ҳудудда криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш, ўзининг хулқи, ҳаёт тарзи бўйича жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга тарбиявий профилактик таъсир кўрсатиш, содир этилган жиноятларни очиш, қидирувдаги жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча субъектларнинг қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган ваколатлар, усул ва шакллар асосида келишилган тартибда биргаликда фаолият олиб бориши жараёнидир².

Ҳуқуқбузарлик профилактикаси соҳасидаги ҳамкорликни қуйидаги тўрт даражада амалга ошириш мумкин:

а) ички идоравий ҳамкорлик, яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимига кирувчи хизмат ва бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорлик;

б) идоралараро ҳамкорлик, яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамда улар билан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорлик;

в) жамоатчилик билан ҳамкорлик, яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик;

г) халқаро ҳамкорлик, яъни бошқа давлатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик³.

Ҳар қандай давлат ва нодавлат идоралари бошқа идоралар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди. Жиноятларнинг олдини олишда профилактика хизмати ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишда таркибий тизимга кирувчи бошқа хизматлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб борадилар.

Ҳозирги кунда профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги:

биринчидан, биргаликда йўриқномалар ўтказишда;

² Ж.С.Мухторов. «Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш» номли Юрид. фан. номзоди. Дис. Т, 2018.

³ Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш. Юрид. фан. доктори. Дис.-Т., 2006. -30-б.

иккинчидан, ҳуқуқбузар ва жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида ахборотларни ўзаро алмашишда;

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар жумладан, жиноятларнинг содир этилиш сабаби ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишда;

бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноятларнинг олдини олишга доир илғор тажрибаларни ўзаро алмашишда намоён бўлади.

Профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш,

биринчидан, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатлари амалдаги қонунларда қанчалик аниқ белгиланганига;

иккинчидан, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти учун ҳуқуқий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига;

учинчидан, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми қандай даражадалигига;

тўртинчидан, ушбу ҳамкорликни таш кил этувчи кадрларнинг тайёргарлигига боғлиқ⁴.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини ички ишлар органларининг қуйидаги соҳавий хизматлари ходимлари билан узлуксиз ҳамкорликда олиб боради:

- Тезкор қидирув хизмати ходимлари;
- суриштирувчи ва терговчилар;
- патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари;
- йўл-патруль хизмати ходимлари;
- миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари;
- инспектор психологлар
- пробация хизмати ходимлари;
- транспортда хавфсизликни таъминлаш хизмати ходимлари;
- эксперт-криминалистика хизмати ходимлари.

Профилактика инспектори ва хизматга жалб этилган ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятларини, транспорт воситаларининг ҳаракатини, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва оммавий маросимлар ўтказиладиган жойларни, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг товар-моддий бойликлари сақланидиган омборларини, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва қўриқланиш тартибини ҳамда мазкур ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларни билишлари зарур.

⁴ *Исмаилов И.* Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. докт...дис. Т., 2006.

Ҳамкорликка киришишда профилактика инспекторлари хизматга жалб қилинган ходимларга ишнинг моҳиятини тушунтиради, хизмат ҳудудидаги тезкор вазиятнинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган шахсларнинг яшаш жойлари, қидирувда бўлган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг белгилари, ички ишлар органларини қизиқтирувчи барча шахслар ва маълумотлар тўғрисида, ўғирланган нарсалар ва уларни сотиш ёки ўтказиш мумкин бўлган жойлар, шунингдек чет эл фуқаролари келиши ва жойлашиши, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли кўпроқ бўлган жойлар ва вақт ҳақида аниқ маълумот бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Хизмат давомида ҳар бир ходим маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани билан алоқа воситалари орқали доимий равишда алоқада бўлиб туради.

Профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда хизмат олиб бориш учун келган соҳавий хизмат ходимлари ИИО маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пунктига хизматга келган ходимларни қайд этиш китобидан қайддан ўтган ҳолда хизмат олиб борадилар. Китобда ходимнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими, унвони ва уларга профилактика катта инспектори ёки ўша вақтда уларга раҳбарлик қилган мансабдор шахс томонидан берилган топшириқлар қисқа мазмунда махсус китобда қайд этилади. Хизмат сўнгида профилактика инспектори ушбу топшириқларнинг қай даражада бажарилганлиги, маъмурий ҳудудда ҳамкорликда иш олиб борганда амалга оширилган ишлар тўғрисида китобнинг тегишли бандига ёзувлар киритилади.

Профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишлари ҳамкорликка киришувчи субъектларга юклатилган вазифалар кўлаmidан келиб чиқади.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган, ихтисослигидан қатъий назар, барча соҳа ходимлари ўз ишини маҳалладан, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилишдан бошлаши, унга таяниши лозим. Чунки аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди.

Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди, бегона ва нияти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади. Зеро, «Профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи лозим»⁵.

Профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишлари ҳамкорликка киришувчи субъектларга юклатилган вазифалар кўлаmidан келиб чиқади.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2019 йил. – 25 октябрь.

Профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий хусусиятлари:

биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

иккинчидан, суриштирув органлари, суд ва терговдан яширинган шахсларни, беда-рак йўқолганлар қидируви ҳамда шахси номаълум мурдаларни аниқлашда;

учинчидан, ҳудудда содир этилган жиноятларни иссиқ изидан, тез ва сифатли очиш, ўт шунингдек бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлашда ўз аксини топади⁶.

Профилактика инспекторлари билан терговчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

биринчидан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, содир этилган жиноятларнинг «иссиқ изи»дан очишга хизмат қилувчи дастлабки ҳаракатлар ва бошқа процессуал тадбирларни амалга ошириш;

иккинчидан, очилмай қолган жиноятлар бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш;

учинчидан, биргаликдаги жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш бўйича иш олиб боришда ўз аксини топади.

Инспектор психологлар – вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларининг олдини олиш ишларини ташкил қилиш бўйича ички ишлар органларининг масъул вакили ҳисобланиб, унга хизмат ҳудуди бириктирилади ҳамда мактабларда алоҳида хизмат хонаси ажратилади.

Респубдикада инспектор психологлар ва профилактика инспекторлари томонидан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширилади⁷.

Профилактика инспектори билан инспектор психологлар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

биринчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг, шунингдек вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва ғайриҳуқуқий қилмишларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш;

иккинчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш ва ушбу жараёнда иштирок этиш;

учинчидан, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда улар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш;

⁶ Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25-августдаги 191-сон буйруғи. 2017. – Б. – 15.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сон буйруғи.

тўртинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ва ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда ўз аксини топади.

Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари билан профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.

Ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

биринчидан, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, тезкор вазиятнинг таҳлилини олиб бориш, патруль-пост нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокациясини ишлаб чиқиш, шунингдек туман, шаҳар ҳудудида жорий суткада хизматни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасига таклифларни киритиш ва уни тайёрлаш;

иккинчидан, ўтказиладиган оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартибини сақланишини таъминлаш;

учинчидан, назорат-лицензия тизими қоидаларига риоя этилишини текшириб, назорат қилиб боришда ўз аксини топади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, хусусан унинг таркибига кирувчи йўл-патруль хизмати ходимлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пунктига бириктирилган ҳолда хизмат олиб бориши жараёнида профилактика инспектори билан узлуксиз ҳамкорликда ишни ташкил этадилар.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.

биринчидан, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига оғишмай риоя этишларига хизмат қиладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

иккинчидан, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга доир амалий чора-тадбирларни бажариш;

учинчидан, автотранспорт воситалари билан боғлиқ жиноят, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб воқеа жойидан яширинган ёки бошқа сабабларга кўра қидирувда бўлган транспорт воситалари, уларнинг эгаларини аниқлаш ва ушлаш чораларини кўриш;

тўртинчидан, ҳудуддаги йўлларнинг талабга жавоб бериши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар билан жиҳозланганлигини таъминлашда ўз аксини топади.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари билан профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.

биринчидан, ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

иккинчидан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

учинчидан, узоқ муддатга бошқа давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон фуқароларининг ҳисобини юритиш;

тўртинчидан, аҳолининг фуқаролик билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этишларига хизмат қиладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибидаги пробация ходимлари учун таянч пунктларда алоҳида хизмат хоналари ажратилмаган бўлса-да, улар ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш борасида ўз фаолиятини ҳудуд профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ташкил этадилар.

Профилактика инспектори билан пробация ходимлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

биринчидан, ҳудудда ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш, бундай тоифадаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ва шартли ҳукм қилинган шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиш, улар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактик мазмундаги чора-тадбирларни амалга оширишда ўз аксини топади.

Профилактика инспектори билан эксперт-криминалистика хизмати ходимининг ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– профилактика инспектори ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келганда тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунга қадар, ҳодиса жойидаги далиллар ва излар йўқолиб кетмаслиги ёки зарар етказмаслик мақсадида, уларни қўриқлайди ҳамда тергов-тезкор гуруҳи етиб келгач унинг таркибидаги эксперт-криминалистика хизмати ходимига керакли маълумотларни беради;

– аҳолининг бармоқ изларини дактокартага олиш ва бу бўйича маълумотлар банкини яратиш мақсадида эксперт-криминалистика хизмати ходими маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани (МХТМ)да иш олиб борганда, Профилактика инспектори унга ёрдам кўрсатади, жумладан бармоқ изларини дактокартага олиш учун фуқароларнинг келишини таъминлайди;

– Тошкент шаҳрида республиканинг бошқа вилоятларидан келиб жиноят содир этаётган шахсларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бораётганини инобатга олиб, пойтахт профилактика инспекторлари эксперт-криминалистика хизмати ходимлари билан ҳамкорликда муқаддам судланган, профилактик ҳисобда турган, ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликлар содир этгани ва бошқа сабабларга кўра олиб келинган шахсларнинг фотосуратларини олиш, дактолокарталарини тўлдириш чораларини кўрадилар;

– эксперт-криминалистика хизмати ходимлари профилактика инспекторларига зарур ҳолларда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларига алоқадор излар ва далилларни аниқлаш, олиш, уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда фойдаланишга доир зарур махсус билимларни ўргатиб борадилар. Профилактика инспектори эксперт-криминалистика хизмати ходимларидан бу борада ўрганган билимлардан ўз фаолиятида фойдаланиш бўйича маҳоратини ошириб боради;

– эксперт-криминалистика хизмати ходимлари жиноятга алоқадор излар ва далиллар бўйича экспертизалар ва тадқиқотлар ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатларга асосланиб, жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳақида ҳудуд профилактика инспекторига зарур маълумотларни беради. Ҳудуд профилактика инспектори олинган маълумотларга асосланиб, бундай турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини кўради;

– ҳудудда йирик оммавий тадбирлар, жумладан спорт мусобақалари ўтказилётган вақтда оммавий тартибсизлик ва гуруҳий тартиббузарликлар келиб чиқишининг олдини олиш, бундай ҳолатлар юзага келганда унинг ташкилотчилари ва фаолларини аниқлаш мақсадида, эксперт-криминалистика хизмати ходимлари жамоат тартибини сақлаш тадбирларини криминалистик-техник воситалар билан таъминлаш бўйича ҳудуд Профилактика инспекторига ёрдам кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланганидек, профилактика катта инспектори маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани (МХТМ)га хизматга жалб этилган ички ишлар органлари бошқа хизмат ходимларига аниқ вазифалар бериш ҳамда ижросини талаб қилиш, шунингдек уларнинг қонунчилик, хизмат интизоми ва касб одоби қоидаларига қатъий риоя этишини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудда ички ишлар органининг ҳар қандай бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борганда амалга оширилган ишларни ИИО маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани (МХТМ)даги дафтарга қайд қилиб боради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сон буйруғи // URL: <http://www.lex.uz>;
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон буйруғи // URL: <http://www.lex.uz>;
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2019 йил. – 25 октябрь.
4. Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. М. 1990., С.-38.
5. Ж.С.Мухторов. «Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш» номли Юрид. фан. номзоди. Дис. Т, 2018.
6. Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. докт...дис. Т.